O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИГА ЎТКАЗИЛАДИГАН САЙЛОВЛАРГА РОППА-РОСА 10 КУН ҚОЛДИ**

*Shu aziz Vatan — barchamizniki*

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

■ 2004-YIL ■ 16-DEKABR ■ PAYSHANBA ■ 152 (27.327) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

**мамлакатдаги сиёсий кучларнинг сўл қанотидир. Партия меҳнат аҳли — ишчилар, қишлоқ меҳнаткашлари, илмий ва ижодий ходимлар, ўқитувчи ва шифокорлар, шунингдек ҳарбий хизматчилар, ўқувчи ёшлар, пенсионер ва ногиронлар манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя этади**

## СЕНАТ БИНОСИ:



## ҚУРИЛИШ НИҲОЯСИГА ЕТМОҚДА

Пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонида Президент Ислом Каримовнинг бевосита раҳбарлиги ва иштирокида ишлаб чиқилган лойиҳа асосида бунёд этилаётган Олий Мажлиснинг юқори палатаси — Сенат биносида пардозлаш ишлари якунига етмоқда.





Мазкур бинода Сенат билан бирга Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Ҳисоб палатаси каби бошқа муассасалар ҳам жойлашади. Тўрт қаватли пурвиқор иншоотда 170 ўринли мажлислар зали, йиғилишлар учун мўлжалланган яна учта кичик зал бўлади.

Муаззам бино лойиҳаси «Ташгипрогор» очиқ акциядорлик жамияти мутахассислари томонидан тайёрланган. Уни яратиш жараёнида хориждаги, жумладан, АҚШ Сенати биноси лойиҳаси ҳам синчиклаб ўрганилди. Айни пайтда Ўзбекистон Сенати биноси ўзига хос ва бетакрор миллий услубда бунёд этилмоқда.

Бинога кираверишда ўрнатилган маҳобатли тўрт устун бамисоли адолат таянчлари янглиғ мустаҳкам. Улар тепасида қурилган уч гумбаз шарқ меъморчилигининг энг илғор ютуқларини эслатибгина қолмай, асрий анъаналаримиз бардавомлигига, қадимий давлатчилигимиз тарихига ишора ҳамдир.

Қурилиш буюртмачиси — Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати



инжиниринг» компаниясидир. Пойтахтимиздаги 12- ва 159-трестлар акциядорлик жамиятлари бош пудратчилар.

Юртимиз ва хорижнинг ўттизга яқин корхона ҳамда меҳнат жамоалари иштирок этаётган катта қурилиш майдонида бугун иш қизғин. Бу ерда икки минг нафарга яқин бинокор икки сменада меҳнат қилмоқда.

Бинони расмлар билан безаш ишлари Ўзбекистон Бадиий академияси рассомлар гуруҳига топширилган. Гуруҳ раҳбари мусаввир, Ўзбекистон санъат арбоби, академик Владимир Бурмакиннинг ЎзА мухбирига айтишича, Сенат биносига кираверишдан икки хил деворий панно ўрин олади. Булар — Самарқанддаги Шердор мадрасаси пештоқида акс этган шер ва қуёш асосида ишланадиган сурат, иккинчиси — қадимги давлатчилигимиз рамзини эслатувчи мафтункор товус ҳамда бугунги мустақиллик тантаналари тасвиридир.

«Усто» бирлашмасининг моҳир наққошлари бинони бетакрор нақшлар билан безади. «Тошшаҳарнур» корхонаси хизматчилари зарур ёриткич ва чироқларни ўрнатиш билан банд.

Сенат биносининг биринчи қаватига Украинадан келтирилган қизил гранит, қолганларига эса Греция ва Италияда ишланган оқ мармар билан жило берилди.

— Сенат биносидек олиймақом иншоот қурилишида қатнашиш бизга алоҳида масъулият ва мамнуният бағишлайди, — дейди Сербия ва Черногориянинг дунёга машҳур «Энергопроект» холдинг компанияси вакили Перич Златан. — Тошкентдаги Оқсарой, Банклар уюшмаси биноси, Самарқанд шаҳридаги «Президент палас» меҳмонхоналари ва бошқа нуфузли иншоотларга ҳам компаниямиз қурувчиларининг меҳнати сингганидан фахрланамиз.

Айни пайтда компаниянинг 600 нафарга яқин ишчи-мутахассиси бинонинг пардозлаш ишларида иштирок этмоқда.

Сенатнинг олд қисмида жозибадор фаввора ва ҳовузлар барпо этилмоқда. Йўлакларга безакли тошлар ётқизилиб, атрофида турли дарахт ва буталар, яшил майсалар ундирилмоқда.

Қурилиши ниҳояланаётган замонавий Сенат биноси мамлакатимизда миллий меъморчилик санъати тобора ривож топаётганига яна бир мисолдир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, мазкур бино ўзининг улуғворлиги, кўрку салобати билан давлатимизнинг куч-қудрати ва салоҳиятини ифода этади, халқимизнинг ғурур-ифтихорини юксалтиришга хизмат қилади.

**Норали ОЧИЛОВ,**
**ЎзА мухбири**

**Суратларда:** Сенат биноси макетининг умумий кўриниши; қурилишдан лавҳа; рассом Феруза Эркабоева; мармарчи Андрей Махонов.

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши*

## «СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

**Жамиятда соғлом турмуш тарзини янада шакллантириш, аҳоли сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, оммавий физкультура ва спорт билан шуғулланишни кенг ёйишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, жисмонан соғлом ва маънавий жиҳатдан бой ёш авлодни тарбиялаш учун шарт-шароит яратиш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикасида 2005 йил — «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан:**

1. «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси тузилсин.

2. Республика комиссияси:

вазирликлар ва идоралар, хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ва ноҳукумат ташкилотлари, хайрия жамғармалари билан биргаликда бир ой муддатда «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин;

Давлат дастурининг тегишли йўналишлари бўйича ишчи гуруҳлари тузиб, уни тайёрлашга республиканинг етакчи мутахассис ва олимлари, кенг жамоатчилик вакилларини жалб этсин.

3. Республика комиссияси «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастурининг мақсади, асосий вазифалари ҳамда уни амалга оширишнинг энг муҳим йўналишларини аниқ белгиласин.

Дастурга киритиладиган барча тадбирларни амалга ошириш муддатлари ва масъул ижрочилари аниқ белгиланган бўлиши, молиялашнинг реал манбалари ва уларнинг ижросини назорат қилишнинг таъсирчан механизми билан мустаҳкамланиши лозим.

4. «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастурини шакллантиришда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилсин:

одамларда бебаҳо бойлик бўлган ўз соғлигини сақлашга тўғри ва масъулиятли муносабатда бўлиш, соғлом турмуш тарзи, ўз ҳаёт фаолиятини оқилона ташкил қилиш, саломатлик учун зарарли ва хатарли одатлардан воз кечиш, соғлом бўлиш, жисмоний ва руҳий жиҳатдан уйғун камол топишга йўналтирилган ҳаётий фалсафани шакллантириш. Ҳаётга, ўз сиҳат-саломатлигига худди мана шундай муносабат умумий эътироф этилган норма бўлиб қолиши ва болаликдан, шахснинг камол топа бошлаш давриданоқ сингдирилиши лозим;

(Давоми 2-бетда.)

## МИЛЛИЙ МЕРОСИМИЗГА ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ

**Улуғ ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг машҳур «Бобурнома» асари «Babur Memurias» номи билан испан тилида нашр этилди. Асарни Барселона университетининг профессори, шарқшунос олима Мерсе Комес хоним таржима қилган.**

Шу йилнинг ноябрида мазкур университетда Испаниянинг кенг жамоатчилиги, адиблар иштирокида ушбу китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Профессор Мерсе Комес хоним ўзбек халқига бўлган чексиз ҳурмати ва буюк аждодлар хотирасини улуғлаш, уларнинг меросини ўрганиш борасида беқиёс ғамхўрлик кўрсатаётган Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга чуқур эҳтиром рамзи сифатида мазкур китобни Юртбошимизга тақдим этди.

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари испаниялик олимага миннатдорлик мактуби йўллади. Унда, жумладан, шундай дейилади: «Ўзбек халқининг улуғ шоири, буюк саркарда ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур яратган, ўзбек миллий маданиятининг нодир дурдоналаридан бўлмиш «Бобурнома» асарини испан тилига таржима қилиб, нашр эттирганингиз учун самимий миннатдорчилигимни билдираман.

Сизнинг ташаббусингиз ва саъй-ҳаракатингиз билан таржима қилинган «Бобурнома» нафақат Испания, балки испан тилида гаплашадиган мамлакатлар халқларини Ватанимизнинг бетакрор маданий мероси ва бой тарихи билан яқиндан таништириш учун хизмат қилишига ишончим комил».




Президентимиз китоб таржимонини кириб келаётган янги 2005 йил билан самимий табриклаб, унга мустаҳкам соғлиқ, илмий-ижодий зафарлар тилади ва Бобур туғилиб ўсган жойларни зиёрат қилиш учун Ўзбекистонга таклиф этди.

**(ЎзА)**

**ЭРТАНГИ КУНИМИЗ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ, ТУРМУШИМИЗ ДАРАЖАСИ, ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ БУГУН БИЗ КИМГА ОВОЗ БЕРИШИМИЗГА БОҒЛИҚ**




## ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси раиси Александр Вешняков 15 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Эркин Халилов билан учрашди.

Суҳбат чоғида ўзаро стратегик ҳамкор давлатлар ҳисобланган Ўзбекистон ва Россиянинг марказий сайлов комиссиялари ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланиб бораётганидан мамнуният изҳор этилди. Бу ўзаро тажриба алмашиш имкониятларини оширади, самарали мулоқотлар изчиллигига янада кенг йўл очади.

А.Вешняков Ўзбекистоннинг икки палатали парламент тизимига ўтиши мамлакатимиздаги демократлаштириш жараёнида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Бу улкан сиёсий воқеа Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистоннинг халқаро майдонда ва жаҳон ҳамжамияти назарида тобора ортиб бораётган обрў-эътиборини, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг халқаро андоза ва талабларга нечоғли ҳамоҳанг эканини яна бир бор синовдан ўтказадиган ғоят масъулиятли жараёндир.

Учрашувда Ўзбекистонда бўлажак парламент сайловига тайёргарлик жараёни ҳамда унда Россия Марказий сайлов комиссияси вакилларининг кузатувчи сифатида иштирок этишига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу куни А.Вешняков Ўзбекистон ташқи ишлар вазири С.Сафоев билан ҳам музокара ўтказди.

**(ЎзА)**

**ХДП хабари**

## САЙЛОВОЛДИ УЧРАШУВЛАР

Партиямиздан депутатликка номзод этиб кўрсатилганларнинг барчаси ўз сайлов округларига жўнаб кетди. Жумладан, ЎзХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Аслиддин Рустамов 56-Пайариқ сайлов округи сайловчилари билан учрашмоқда. Унинг Пайариқ туманидаги «Халқобод» ва Иштихон туманидаги Бобур номли ширкат хўжаликларидаги сайловчилар билан учрашуви саволларга бой бўлди.

«Олтин водий» маданият саройида тўпланган 36-Зарафшон сайлов округи сайловчилари партиямиздан Ўзбекистон парламенти қуйи палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган Изидор Кочмарикнинг сайловолди чиқишини катта қизиқиш билан тингладилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Латиф Ғуломовнинг Тошкент ахборот технологиялари университети, «Иттифоқ» маҳалласи, Ирригация академик лицейи ва бошқа жойларда сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувлари ҳам кўтаринки руҳда ўтди.

22-Хартум сайлов округи бўйича мамлакат парламенти депутатлигига номзод Одинахон Мадаминова Андижон туманидаги Охунбобоев номли ва «Гулистон» ширкат хўжаликларида, 1-сонли пахта тозалаш заводида, Куйганёр академик лицейи ва Избоскан туманидаги Магир қишлоқ фуқаролар йиғинида сайловчилар вакиллари билан учрашди.

81-сайлов округидан Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган Сирожиддин Аъзамовнинг фуқаролар билан учрашувлари Тошкент тумани ҳокимлиги мажлислар залида, Тошкент давлат аграр университети, Юқори Чирчиқ туманидаги Саксонота қишлоғида жойлашган ўрта мактаб биносида бўлиб ўтди.

38-Поп сайлов округи сайловчилари депутатликка номзод Муҳаббатхон Абдуллаева билан туман Маданият саройида, Ғурумсарой иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида, қатор фуқаролар йиғинлари ва маҳаллаларда учрашдилар.

23-Бухоро сайлов округидан депутатликка номзод Баҳриддин Муҳитдинов Бухоро шаҳрининг қатор маҳалла, билим юртлари, меҳнат жамоаларида ўз сайловчилари билан учрашди.

ЎзХДПдан мамлакат парламенти қуйи палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлигига номзод этиб кўрсатилган Д.Акромхўжаева, А.Бугланов, Р.Раҳимов ва бошқалар ҳам ўз сайлов кампанияларини фаол олиб бормоқдалар.

**Ўзбекистон ХДП МК**
**матбуот хизмати**

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши*

# «СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она соғлигини мустаҳкамлаш ва соғлом фарзанд туғилиши, соғлом она — соғлом бола мақсадли вазифасини амалга ошириш, республиканинг барча аҳоли пунктлари, энг аввало қишлоқ аҳолисини «Она ва бола скрининги» дастури билан қамраб олиш борасида бошланган ишларни давом эттириш, барча лойиҳа ва тадбирларни тўла-тўкис ниҳоясига етказиш;

репродуктив саломатликни яхшилаш бўйича тадбирларни амалга оширишни давом эттириш, оилага васийлик қилиш, ёшларни оилавий ҳаётга ва соғлом оила қуришга тайёрлаш, тиббий маданиятни ошириш ва оилада турмуш тарзини соғломлаштириш, жисмонан бақувват фарзандлар туғилиши ва уларни баркамол қилиб тарбиялашга қаратилган ишларни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

аҳоли, айниқса қишлоқ жойларда яшайдиган аҳолининг гигиена соҳасидаги маълумоти ва маданиятини ошириш, санитария ва шахсий гигиена қоидаларининг аҳамияти ҳамда уларга риоя этиш зарурлигини ёш авлод чуқур англаб етишида ота-она ва педагогларнинг ролини кучайтириш;

гиёҳвандликка, чекишга, юқумли касалликлар, шу жумладан сил касаллиги ва ВИЧ/СПИД тарқалишига қарши курашда жамоатчилик ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш;

пенсионер ва ногиронларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга тиббий, санатория-курорт ва коммунал-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, кексаларнинг соғлом ва муносиб ҳаёт кечиришлари учун зарур шарт-шароит яратиш бўйича чора-тадбирларни янада кучайтириш;

аҳолининг кенг қатламлари фойдалана оладиган ва сифатли соғлиқни сақлаш тизимини шакллантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, аввало қишлоқ жойларда тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, замонавий ташхис ва тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, улардан самарали фойдаланишни таъминлаш;

Тошкент техника университети, Тошкент ахборот технологиялари университети ва республиканинг бошқа олий ўқув юртларида замонавий ташхис ва даволаш тиббиёт асбоб-ускуналарида ишлайдиган, уларга техник ва дастурий хизмат кўрсата оладиган махсус кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экология нормаларини тадбиқ қилишга, ҳар бир аҳоли пунктини сифатли ичимлик суви билан таъминлашга, ичимлик сув ресурсларидан тежамли ва оқилона фойдаланишда хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда аҳолининг масъулиятини кучайтиришга қаратилган дастурлар ишлаб чиқиш;

аҳоли кенг қатламлари орасида физкультура ва спорт билан шуғулланишни авж олдириш, айниқса болаларни спортга жалб этиш, республика ҳамда минтақавий мусобақалар ва оммавий спорт тадбирлари ўтказишни ташкил қилиш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш, физкультура ва спортни оммалаштириш бўйича илғор халқаро тажрибаларни ўрганиш ва ёйиш, телевидение орқали махсус соғломлаштириш дастурларини кенг намойиш этиш, шунингдек жойларда болалар спорт комплекслари, жисмоний соғломлаштириш машқлари билан оммавий равишда шуғулланиш учун турли клублар, секциялар, машқ заллари тизимини жадал ривожлантириш;

тиббиёт кадрлари, биринчи навбатда ўрта тиббиёт ходимлари ва олий малакали ҳамширалар (реаниматологлар, анестезиологлар, операция ҳамширалари, туғруқхона акушеркалари ва бошқалар)ни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш. Тиббиёт кадрлари тайёрланадиган мутахассисликлар рўйхати, таълим андозалари ва ўқув дастурлари танқидий қайта кўриб чиқилсин ҳамда мутахассисларни тайёрлаш чоғида эскириб қолган ақида ва сийқа қолиплардан воз кечиш назарда тутилсин;

тиббиёт ходимларининг мураккаб ва масъулиятли меҳнатини моддий ҳамда маънавий жиҳатдан рағбатлантириш борасида қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, кичик тиббиёт ходимлари ва ҳамшираларнинг меҳнат ҳақини оширишга, соғлиқни сақлаш ходимларининг меҳнатига тиббий хизматларнинг мураккаблик даражаси ва сифатига қараб табақалаштирилган тарзда ҳақ тўлаш тармоқ тариф сеткасини жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш;

мамлакатда инсон ҳаётини сақлаб қолиш, соғломлаштириш ва даволаш бўйича тегишли мактаблар ҳамда йўналишларни шакллантириш мақсадида, биринчи навбатда кардиохирургия, нейрохирургия, реаниматология, неонатология, микрохирургия, интервенциявий кардиология, эндовидиохирургия каби ва бошқа энг муҳим замонавий тиббиёт йўналишлари бўйича юқори малакали ва атоқли мутахассис врачларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш борасида зарур шарт-шароитларни яратиш.

5. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлари раҳбарлигида ҳудудлар бўйича «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастурининг аниқ-равшан тадбирларини ишлаб чиқадиган ҳудудий комиссиялар тузилсин ва улар икки ҳафта давомида Республика комиссиясига тақдим этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда 2005 йилнинг 1 февралига қадар тиббиёт ходимлари, биринчи навбатда ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари меҳнатини моддий рағбатлантиришни такомиллаштириш, шунингдек соғлиқни сақлаш ходимлари меҳнатига тиббий хизматлар ҳажми, мураккаблик даражаси ва сифатига қараб табақалаштирилган тарзда ҳақ тўлаш тармоқ тариф сеткасини жорий этиш бўйича таклифларни тўлиқ ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Мазкур Фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2004 йил 15 декабрь

# ХДП НОМЗОДЛАРИ МЕҲНАТ АҲЛИ, УЛАР БИЛАН ТАНИШИНГ,

## МАРЯМ АЛИМОВА

### (97-Урганч сайлов округи)



**1954 йилда Хоразм вилояти Хонқа туманида туғилган. Хоразм давлат педагогика инстутини тамомлаган. Ихтисослиги — инглиз тили ўқитувчиси.**

Меҳнат фаолиятини 1975 йилда Хонқа туманидаги 39-ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. 1976-1980 йилларда Урганч шаҳридаги 13-мактабда ўқитувчи, 1980-1992 йилларда турли ташкилотларда масъул лавозимларда ишлаган. 1992 йилдан буён Урганч шаҳридаги 18-ўрта мактаб директори. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

Марям Алимова педагоглик фаолиятини бошлаганига ўттиз йилча бўлиб қолди. Мана ўн икки йилки, у шаҳардаги 18-ўрта мактабга директорлик қилмоқда. Мактаб нафақат шаҳарда, балки вилоятда етакчи саналади. Мактаб вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг таянч маркази ҳисобланади. Унда ёш авлод ўқиши, таълим-тарбия олиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Биргина 2004-2005 ўқув йили бошланиши арафасида мактабнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун йигирма миллион сўмлик иш бажарилди. Мактаб АҚШнинг «Болаларни асранг» халқаро ташкилотининг 14500 долларлик грантини қўлга киритди. Бу эса мактаб ўқув хоналарини замонавий услубда жиҳозлаш, компьютер синфлари ташкил қилиш имконини берди.

Марям Алимова икки чақириқдан буён Урганч шаҳар Кенгаши депутати сифатида фаолият кўрсатиб, ўз сайловчиларининг ишончини оқлай олди. Сайловчилар билан учрашувлардан бирида кам таъминланган оилаларнинг болалари ўқув дарсликлари харид қилишда қийналаётгани муаммоси кўтарилди. Марям Алимова бу масалани шаҳар Кенгаши сессияси кун тартибига олиб чиқди. Натижада шаҳарда бир кунлик шанбалик ўтказилиб, тушган маблағ ҳисобидан йигирма саккизта мактабнинг ҳар бирига иқтисоди ночор хонадон фарзандлари учун дарсликлар олиб бериш мақсадида беш юз минг сўмдан маблағ ажратилди.

...Вилоятда бугун аҳолининг газ, электр энергияси ва коммунал тўловлардан қарзи ҳийла. Аксар йиғилишларда фуқаролар шу юзасидан таклиф-истаклар билдиришади, таъминотнинг сифатсизлигидан арз қилишади. Бу оғриқли масала-муаммо ечимини топиш кўпчиликнинг истаги. Марям Алимованинг сайловолди дастурида айнан ана шу муаммога урғу берилганини кўриб, кўнглимиз анча тинчланди. Негаки...

**«Эътибор берган бўлсангиз, газ, электр энергияси ҳақи ва коммунал тўловлар йилига бир неча марта оширилмоқда. Ҳатто ёз мавсумида электр энергия ва шунга бақамти сув таъминоти ҳақининг оширилишини тушуниб бўлмайди. Назаримда айнан ана шу тўловларни тартибга солиш фурсати етди. Масалан, кўпчилик давлатларда бу масала қонун билан белгилаб қўйилган. Яъни йилнинг қайси мавсумида ва йилига неча марта бу тўловлар оширилиш мумкин. Бизда ҳам шу борада қонун қабул қилиш керак. Депутат бўлиб сайлансам, яна кўпдан-кўп режаларим қатори айнан шу масалани ҳам Қонунчилик палатаси минбарига олиб чиқаман...».**

## БАХТИЁР ЭГАМОВ

### (98-Боғот сайлов округи)



**1960 йилда Хоразм вилояти Боғот туманида туғилган. Андижон пахтачилик институтини тамомлаган. Ихтисослиги —агроном. Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.**

Меҳнат фаолиятини 1976 йилда Боғот туманидаги «Деҳқонобод» жамоа хўжалигида табелчиликдан бошлаган. 1984-1985 йилларда «Деҳқонобод» жамоа хўжалигида агроном бўлиб ишлаган. 1985-1988 йилларда Ўрта Осиё Пахтачилик илмий-текшириш институти аспирантурасида таҳсил олган. 1988-1990 йилларда Боғот туман «Қишлоқхўжаликкимё» бирлашмасида ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи, 1990-1993 йилларда туман ўсимликларни ҳимоя қилиш станцияси директори, 1993-1994 йилларда «Деҳқонобод» ширкат хўжалиги раиси ўринбосари, 1994-1996 йилларда Боғот тумани «Агрохимсервис» ҳиссадорлик жамияти раиси, агрохизмат уюшмаси раиси, 1996-1998 йилларда Огаҳий номли жамоа хўжалиги раиси, 1998-1999 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалиги институти энтомология ва фитопатология кафедраси катта илмий ходими, 1999-2001 йилларда Республика илмий-ўқув биолабораторияси директори ўринбосари лавозимларида ишлаган. 2001 йилдан буён Боғот туманидаги «Деҳқонобод» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

Бахтиёр Эгамовни ер тилини билади, деб таърифлашади. «Деҳқонобод» ширкат хўжалиги вилоятда ўз ўрнига эга хўжалик. Вилоятнинг ҳеч бир қишлоғи, хўжалигида бу ердагидек анвойи узумзорларни учратмайсиз. Тупроғининг ўзига хослиги, боғбонларнинг тадбиркорлигидан сўнгги йилларда хўжаликда узумзорлар кескин кўпайди. Ҳозирда хўжаликда 180 гектар узумзор бор. Бу ерда етиштирилган ширали узумлар ҳатто Европа бозорларига қадар етиб бормоқда.

Бахтиёр Эгамов фермер хўжаликлари юрт келажаги эканлигини олим-агроном сифатида яхши билади. Бугун хўжаликда фақат боғдорчилик бўйича 37 фермер хўжалиги фаолият кўрсатаётгани, бу хўжаликлар ўз ҳисобларидаги кичик ер майдонида боғ-узумзорлардан миллион-миллион сўм даромад олишаётгани, қўшни хўжаликлар деҳқонлари-ю раҳбарларининг ҳаваслари ни келтиради.

Депутатликка номзод Бахтиёр Эгамов ўз сайловолди дастурида яна бир ўта долзарб масалага катта ўрин қаратмоқчи.

**... Тиббиёт ходимлари тадқиқотларига кўра бугун воҳадаги аксар туғиш ёшидаги аёллар анемия — камқонлик хасталигига маҳкум. Олимлар эътирофича шу хасталикка чалинган аёллардан дунёга келган чақалоқларнинг мияси чала ривожланган бўларкан. Бу нима дегани?**

**Носоғлом бола қандай қилиб ижтимоий ҳаётда фаол қатнашиши мумкин? Демак, эртанги кунимизни, соғлом авлодни ўйлар эканмиз, биринчи навбатда масалани бешикдан бошлаш керак. Аёлларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича махсус дастур яратиш, бу борада қонунлар қабул қилинишига эришиш ва уларнинг ижро механизмини мустаҳкамлаш лозим...**

Аграр соҳа устун бўлган мамлакатда қишлоқ хўжалигида ҳам талай муаммолар тўпланиб қолган. Бу муаммоларни ижобий ҳал қилиш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни ривожлантиришга хизмат қиладиган қонунлар ишлаб чиқилишида айнан шундай тажрибали, билимдон мутахассислар зарур.

## ШАВКАТ ЯХШИБОЕВ

### (100-Ҳазорасп сайлов округи)



**1961 йилда Урганч шаҳрида туғилган. Тошкент давлат маданият институти, Урганч давлат университети ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини тамомлаган. Ихтисослиги — ҳаваскорлик халқ чолғу асбоблари оркестри раҳбари, иқтисодчи, давлат ва жамият қурилиши магистри.**

Меҳнат фаолиятини 1989 йилда Дружба шаҳар Болалар мусиқа мактаби ўқитувчилигидан бошлаган. 1990-1994 йилларда мазкур мактаб илмий бўлим мудири, 1994-1996 йилларда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Дружба шаҳар қўмитаси биринчи котиби, 1996-1998 йилларда Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси мазкур шаҳар кенгаши раиси, 1998-1999 йилларда шаҳар ҳокимлиги биринчи тоифали мутахассиси, 1999-2000 йилларда «Маънавият ва маърифат» маркази Хоразм вилоят бўлими мутахассиси, 2000-2003 йилларда Ҳазорасп туман ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари лавозимларида ишлади. Ҳозирда Ҳазорасп туман ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Аввало Шавкатнинг ўзига талабчанлигини алоҳида қайд қилиш керак. Ўттиз олти яшар йигитнинг шу даврда учта йирик ўқув даргоҳида таҳсил олганининг ўзи буни яққол кўрсатади. Ўз устида бетиним ишлаш, тиниб-тинчимаслик, талабчанлик — Шавкат Яхшибоевнинг мақбул фазилатларидан.

Яхшибоев — яхши раҳбар. Бу таърифимизни ёш боши билан қисқа даврда тармоқда амалга оширилган салмоқли ўзгаришлар бошида тургани, ўзидан ва бошқалардан ҳам фақат фидойиларча ишлашни, бирор кунни беҳудага ўтказмасликни талаб қилиши, истиқлол ривожи учун ҳар бир фуқаро ақалли бир ғишт қўйиши қарз ва фарзлигини кўпчиликка сингдира олганида кўринади.

Яхшибоев — яхши депутат бўлиши муқаррар. Буни унинг сайловолди дастурига бир кўз ташлаш билан билиб олиш мумкин. Мана ўзингиз ҳам эътибор беринг:

**«Мамлакатимизда кенг миқёсда ўтказилаётган ислоҳотларни жадаллаштириш учун биринчи навбатда одамлар онгини ўзгартириш, уларга, аввало ёшларга миллий мафкура ғоясини тамомила сингдириш даркор.**

**Ишсизлик масаласини олиб кўрайлик. Одамларнинг аксари ҳамон эскичасига фикрлашдан қутила олмаган. Камдан-кам одам, мен фалон ишни бошламоқчиман, бунинг қонуний асосларини тушунтиринг, деб мурожаат қилади. Баъзи одамлар тадбиркорликни фақат қаердандир товар келтириб бозорда сотиш, деб тушунадилар. Биз эса ишлаб чиқаришни — у кичик бизнес ёки хусусий тадбиркорлик шаклидами ёки миллий ҳунармандчилик кўринишидами кенг йўлга қўйишни ўйлашимиз керак. Бунинг учун тегишли қонунлар устида ишлаш, тадбиркорликнинг мустаҳкам қонуний базасини яратиш талаб қилинади.**

**Менимча, мамлакат миқёсида ишсизлик муаммосини ҳал қилиш дастури ишлаб чиқиш ва уни қонуний асосга кўчириш керак».**

XORIJDA

## КУРАШНИ ТЎХТАТИШГА ЧАҚИРДИ

Фаластин озодлик ташкилоти раиси ва Фаластин етакчилигига энг муносиб номзод дея эътироф этилаётган Маҳмуд Аббос фаластинликларни исроилликларга қарши курашни тўхтатишга чақирди.

Унинг айтишича, Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғи ва Ғазо минтақаси масаласида музокара тинч йўл билан олиб борилиши керак.

## ҚЎШИНЛАР СОНИ КАМАЯДИ

Польша Ироқдаги ҳарбий қўшинлари сонини уч барobarга камайтириш ниятида эканлигини маълум қилди.

Ироқда хизмат қилаётган 2400 нафар польшалик ҳарбийнинг 700таси 2005 йилнинг февралидан уйига қайтади.

# МУХОЛИФ КУЧЛАР ҒАЛАБАСИ



2004 йил кўпгина давлатлар учун сайловлар йили бўлди. Шу жумладан, Руминияда ҳам бир неча кун олдин президентлик сайловлари ўтказилганди.

Ушбу сайловларда мухолиф томонидан номзоди қўйилган Траян Басеску ғолиб чиқди. Хўш, унинг ғалаба қозониши Руминия келажагида қандай акс этиши мумкин? Бу саволга дунёнинг етакчи нашрлари жавоб беришга уринди.

Руминияда чоп этиладиган «Зиуа» газетасининг ёзишича, Басеску мамлакат тарихидаги энг қалтис вазиятда ўтган сайловларда ғолиб чиқди. Газета номзоднинг қисқа фурсат ичида мухолиф кучларнинг муносиб етакчисига айлана олганига алоҳида урғу беради. Бироқ мақола хулосасида Басеску ўз сиёсий истеъдоди ва сезгирлигига ҳаддан ташқари маҳлиё бўлиб қолгани унинг камчилиги экани таъкидланади.

Австриянинг «Прессе» газетаси Басеску Руминиянинг Европа Иттифоқига кириш учун тадбиқ этилиши зарур бўлган ислоҳотларни амалга ошира олишига шубҳа билан қарамоқда. Газетанинг ёзишича, мамлакатда мухолиф кучлар давлат бошқарувига келиши ўзига хос анъанага айланган, бироқ шу пайтгача аҳоли бундан ҳеч қандай наф кўргани йўқ.

Швейцариянинг «Тан» газетаси муаллифларининг фикрича, Басескунинг ғалабаси Руминияда «Украина сценарийси» бўйича ҳаракатлар бошланиб кетишининг олдини олди. «Руминияда мухолифат кучлари ғалаба қозонганлиги 2007 йилнинг 1 январидан ЕИга кирмоқчи бўлган мамлакатда демократия мавжудлигидан далолат беради», — деб ёзади газета.

Газетанинг фикрича, янги президент олдида турган энг мураккаб вазифалардан бири, Басеску учун овоз берган шаҳар аҳолисидан иборат бўлган либерал ва Адриан Настасе тарафдорлари бўлмиш қишлоқ аҳолисидан таркиб топган консерватив руминларни бирлаштиришдир.

**Хуршид РАУПОВ**

## СЎРОВНОМА НАТИЖАЛАРИГА КЎРА...

Украинанинг Разумков номидаги иқтисодий ва сиёсий тадқиқотлар маркази ўтказган сўровнома натижаларига кўра, 26 декабрда қайта ўтказиладиган сайловларда Виктор Ющенко ғалаба қозониши эҳтимоли каттароқ.

Сўровнома тўлдирганларнинг



47,5 фоизи Ющенко президент этиб сайланиши кераклигини айтган. Уларнинг 27,4 фоизи эса Виктор Янукович ғалабаси тарафдорларидир. Сўралганларнинг 17 фоизи эса иккала номзод бирдек имкониятларга эга деган фикрда.

Шунингдек, жавоб берганларнинг 46,2 фоизи қайта ўтказиладиган сайловларда ҳам натижаларни қалбакилаштиришга уринишлар бўласа-да, улар ҳаққоний натижаларга таъсир кўрсатмаслигини айтишган.

## ЖУРНАЛИСТЛАР ТАҚДИРЛАНДИ



Европа парламенти президенти Хосеп Боррель Белоруссия журналистлари уюшмаси раиси Жанна Литвинага Сахаров номидаги «Эркин фикр учун» совринини топширди. Парламент аъзолари эса уюшма раисини қиймати 50 минг евро бўлган чек билан тақдирлашди.

Жанна Литвинанинг сўзларига қараганда, олинган соврин Белорусия халқаро ҳамжамият назарида турганини билдиради.

## ПИНОЧЕТ УЙ ҚАМОҒИДА

Чилининг собиқ диктатори Аугусто Пиночет суд ҳукми билан уй қамоғига олинди. Унинг қамоққа олиниши Пиночетга қарши суд жараёни бошланиши билан боғлиқ.

Гап шундаки, у диктаторлик қилган пайтда (1973-1990) 9 нафар шахснинг ўғирланиши ва улардан бирининг ўлдирилишига алоқадорликда шубҳа қилинмоқда.

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОҲОТЛАР ЎТКАЗМОҚДА

Грузия президенти Михаил Саакашвили Вазирлар Маҳкамаси аъзолари ва ходимлари таркибига ўзгаришлар киритди. Жумладан, бундан буён мамлакат Ички ишлар вазирлиги мустақил тизим сифатида фаолият кўрсатадиган бўлди.

Айни пайтда фаолият кўрсатаётган ИИВ уч қисмга бўлинди. Ислоҳ бўлган вазирлик ўз вазифаларига кўра, АҚШнинг федерал қидирув бўлимига ўхшаб кетади. У жиддий ва уюшган жиноятчиликка қарши курашади.

# ИЖТИМОИЙ ЁРДАМГА МУҲТОЖ КИШИЛАР МАНФААТИНИ ҲИМОЯЛАШГА БЕЛ БОҒЛАГАН.

# УЛАРГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## ЎРИНБОЙ АБДУЛЛАЕВ

### (101-Хонқа сайлов округи)



**1954 йилда Хоразм вилояти Хонқа туманида туғилган. Тошкент халқ хўжалиги институтини тамомлаган. Ихтисослиги — ҳисобчи-иқтисодчи.**

Меҳнат фаолиятини 1974 йилда Хонқа давлат банки бўлимида иқтисодчиликдан бошлаган. 1977-1992 йилларда турли лавозимларда ишлаган. 1992-1994 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорати инспекцияси Хонқа туман бош давлат назоратчиси, туман назорат инспекцияси бошлиғи, туман ҳокими ўринбосари, 1994-1997 йилларда Хонқа туманидаги «Ғалаба» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, 1997-2000 йилларда Қўшкўпир туман ҳокими лавозимларида ишлаган. 2000 йилдан буён Хоразм вилоят Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи. Оилали. Саккиз нафар фарзанди бор. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси.

Ундаги ташаббускорлик турли вазифаларида ишлаганда қўл келди. Хонқа туманидаги «Ғалаба» ширкат хўжалиги раислигига сайланганда хўжалик қолоқ эди. Унинг ишга янгича, бозор муносабатлари талаблари асосида ёндошиши хўжаликни қисқа фурсатда илғор жамоалардан бирига айлантирди.

Қолоқ хўжаликни илғорлар сафига олиб чиққан раисни вилоят раҳбарлари Қўшкўпир тумани ҳокимлигига маъқул кўришди. Туманда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда сезиларли натижаларга эришилди, деҳқончилик маданияти бир неча поғона юксалди. Шу йилларда бу ерда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривож топди, янги ишчи ўринлари очилди.

Тўрт йилдирки, Ўринбой Абдуллаев вилоят Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда. Агар тўрт йил олдин вилоятда шундай бошқарма борлигини саноқли одамлар билсалар, ҳозир бошқарманинг таъсир кучи тилларга тушган. Биргина мисол: амалдаги қишлоқ хўжалиги йилида қишлоқ хўжалиги тармоғига хизмат кўрсатувчи ташкилотлар хизмат тарифларини бошқарма мутахассислари қайта таҳлилдан ўтказишди. Натижада бу борада бажарилган иш учун ортиқча ҳақ олиш мавжудлиги аниқланди, иш учун ҳақ тарифлари аслиятига қайтарилди ва шунинг ўзидан бир миллиард сўм тежаб қолинди.

Депутатликка номзоднинг сайловолди дастуридан:

**«... Турмуш фаровонлиги — ҳар бир инсоннинг муқим иш билан таъминланишига боғлиқ. Бу ёқда эса аксар ёш йигит-қизларимиз ишсиз. Турли кўнгилсизликлар, ноҳуш ҳоллар ва жиноятчиликнинг келиб чиқишига айнан шу ишсизлик сабаб. Демак, янги иш ўринлари очиш борасида давлат миқёсида ташаббускорлик қилиш пайти етди.**

**Мамлакатимизда ҳаётимизни етарли даражада ҳимоя қила оладиган янги қонунлар қабул қилиниши керак. Қонунлар устуворлигини таъминлаш — бу, мамлакат ривожи, ўз навбатида халқнинг турмуш шароитини яхшилаш калити ҳамдир...»**

## ГУЛИСТОН АННАҚИЛИЧЕВА

### (117-Амударё сайлов округи)



**1948 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманида туғилган. Ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетини тамомлаган. Журналист, сиёсатшунос. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Қорақалпоғистон халқ шоири, хизмат кўрсатган журналист, Бердақ номидаги Давлат мукофоти соҳиби.**

Меҳнат фаолиятини 1964 йилда Тўрткўл радиосида сухандонликдан бошлаган. 1968-1969 йилларда Тўрткўл 3-болалар боғчаси мудираси, 1969-1970 йилларда Тўрткўл туман газетаси мусаҳҳиҳи, 1970-1977 йилларда Тўрткўл туман радиоси муҳаррири, 1977-1985 йилларда Тўрткўл туман газетаси масъул котиби, муҳаррири вазифаларида ишлади. 1985-1990 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида котиб, 1990-1993 йилларда Кенгесда Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш, халқ депутатлари Кенгаши, ошкоралик ва оммавий ахборот воситалари ишлари бўйича қўмита раиси сифатида фаолият кўрсатди.

1993-1995 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг ўринбосари вазифасини ижро этувчи ва Давлат ҳокимияти ҳамда маданият масалалари бўйича қўмита раиси бўлди. 1995-1998 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Котибияти бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимларида меҳнат қилди. 1998 йилдан буён «Аму тонги» газетаси Бош муҳаррири. ЎзХДП аъзоси.

Оилали. Олти нафар фарзанди бор.

Гулистон Аннақиличева шу йиллар давомида республика журналистикаси ва адабиёти ривожига ҳам катта ҳисса қўшди. «Жайҳун ёқасида ўсган бойтерак», «Юрт бахтини айтгани бордим», «Насл-насабли юрт фарзандларимиз», «Озод юрт — обод ҳаёт», «Оила муқаддаслиги ёки фотиҳа кучи», «Буюклик келмоқда Ўзбекистонга» каби публицистик асарлар муаллифи. «Дарёга ботаётган қуёш», «Зиёга ботаётган дарё», «Ойболдоқ», «Зулфия» достонлари, «Қайтмоқ учун кетмоқдаман» эссеси ва қатор шеърлар туркуми кенг китобхонларга яхши таниш. «Қўбиздаги юрак» (1981), «Чўл келини» (1982), «Ота» (1982), «Қуёш қизи» (1983), «Мен нечун севаман боғларни кузда» (1992), «Қаторда норинг бўлса» (1993), «Айтинг, менга Тўрткўл ҳақида» (1994), «Гулойим операси учун либретто» (1996) каби достон ва шеърий драмалари нашрдан чиққан. Уларнинг баъзилари туркман, қирғиз, қозоқ, немис, рус тилларида ҳам чоп этилган.

**Бугун мен ўз-ўзимга савол бериб кўрдим,** — дейди у. — **«Депутат бўлсам қандай ғоя ва мақсадлар учун курашаман?» Албатта, бу кураш менинг номзодимни кўрсатган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг платформасидан келиб чиқади. Зеро, партия давлат томонидан кафолатланган ва барча фойдаланиши мумкин бўлган сифатли бепул таълим ва тиббий хизмат тарафдоридир. Бу платформа — ишчилар, қишлоқ меҳнаткашлари, муҳандис-техник, илмий ва ижодий ходимлар, ўқитувчи ва шифокорлар, хизматчилар, шунингдек, ҳарбий хизматчилар, ўқувчи ёшлар, пенсионерлар ва ногиронлар манфаатларини ифода этади ва ҳимоя қилади. У ишсизликни бартараф этиш, иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва ҳар бир оила фаровонлигини таъминлаш учун етарли бўлишга йўналтирилади.**

## ИЛҲОМ АҲМЕДОВ

### (102-Хива сайлов округи)



**1939 йилда Хива шаҳрида туғилган. Москва кооператив институтини тамомлаган. Ихтисослиги — товаршунос. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси.**

Меҳнат фаолиятини 1962 йилда Бухоро кооператив техникумида ўқитувчиликдан бошлаб, бўлим мудири, директор ўринбосари лавозимларида ишлаган. 1966-1969 йилларда Хива тикувчилик фабрикаси директори лавозимида ишлаган. Орада бир муддат бошқа соҳаларда ишлаб 1977-1989 йилларда Хива гилам комбинати директори, 1989-1994 йилларда Хива гилам ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, 1994-2002 йилларда «Хива гилами» ОТАЖ раиси бўлиб фаолият кўрсатган. 2002 йилдан буён «Хива гилами» ОТАЖ бошқаруви раиси, «Хива-Карпет» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси бош менежери. Илҳом Аҳмедов бош бўлган ана шу икки корхонада бугунги кунда икки минг нафардан зиёд киши меҳнат қилади.

Илҳом ака «Дўстлик» ордени соҳиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими. Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

Илҳом Аҳмедовнинг бутун ҳаёти, умр мазмуни, ташвиш ва қувончлари айнан шу соҳа билан боғлиқ. Хива тикувчилик фабрикасида ишлаган кезларида унинг саноат соҳасини чуқур билиши жамоа манфаатлари йўлида кеча-кундуз демай ишлаши, ишлаб чиқаришда янгиликларни дадил қўллаши билан тилга тушди.

Ростини айтсак, бутун умри давомида тармоқни, соҳани Жаҳон андозаларига мос ҳолда ривожлантиришдек машаққатли жараёнга етакчилик қилаётган раҳбарлар саноқлигина. Илҳом Аҳмедов эса ана шундай инсонлардан бири.

Илҳом ака халқ вакили — депутатлик масъулиятини чуқур англаган, унинг барча оғир-енгилини ўз бошидан кечирган киши. Вилоят Кенгаши депутати сифатида ҳам самарали фаолият юритди.

**— Ҳозир вилоятда ва айниқса, Хивада ишсизлик муаммоси мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди.** — дейди Илҳом Аҳмедов. — **Корхонамиз гарчи минглаб ёшларни иш билан таъминаган бўлса-да, бизнинг имкониятларимиз ҳам чекланган. Демак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳақида кўпроқ ўйлаш керак. Ҳар куни минглаб сайёҳлар ташриф буюрадиган қадим шаҳарда бунга имкон бор. Фақат эндиликда янада кенгроқ шарт-шароитлар яратиб бериш, айнан шу соҳани камол топтиришга хизмат қиладиган мукаммал ва таъсирчан қонунлар қабул қилинишига ҳаракат қилиш керак...**

**Яна бир муаммо — қишлоқ жойларида тиббий хизматни тамомила янгича изга кўчириш фурсати етган. Барча даволаш шахобчаларини энг сўнгги русумдаги тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш ва кадрлар малакасини ошириш кун тартибидаги долзарб вазифалардан бири. Негаки, экология туфайли турли касалликлар тарқалиши ортиб бормоқда. Биз эртанги кунимиз ҳақида қайғурар эканмиз, аввало соғлом авлодни камол топтириш ташвишини ҳар биримиз ўз вазифамиз деб билмоғимиз керак...**

## РАУШАН ЗАИРОВА

### (118-Хўжайли сайлов округи)



**1951 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманида туғилган. Воронеж Давлат педагогика институтини тамомлаган. Ихтисослиги — рус тили ва адабиёти ўқитувчиси.**

Меҳнат фаолиятини 1972 йилда Хўжайли билим юртида ўқитувчиликдан бошлаган. 1986 йилда Хўжайли билим юрти директори бўлган. 1991-1993 йилларда Ўзбекистон ХДП Хўжайли туман кенгаши котиби бўлиб фаолият кўрсатган. 1993 йилдан буён Ўзбекистон ХДП Хўжайли туман кенгаши биринчи котиби. Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

Ўзбекистон Республикаси халқ маорифи аълочиси, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган.

Р.Заирова ўқитувчилик қилган даврида икки мингдан кўпроқ шогирдлар тайёрлашга эришди. Уларнинг кўпчилиги бевосита ишлаб чиқаришда, раҳбарлик лавозимларида, илм-фан, маданият соҳаларида фаолият кўрсатмоқда.

Хўжайли — саноатлашган ва қишлоқ хўжалиги билан ҳам кўпроқ шуғулланадиган туманлардан бири. Ўзбекистон ХДП Хўжайли тумани ташкилоти ва партия аъзолари туманни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришда, халқ фаровонлигини юксалтиришда муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

У хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда бизнес, тадбиркорлик ва ишбилармонликни ривожлантириш, ишсиз уй бекаларини иш билан таъминлашда, қўшимча ишчи ўринларини бунёд қилишда фаол кўмаклашмоқда.

— **Менинг сайловолди режамнинг асосий мазмуни Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайловолди платформасига асосланади,** — дейди Р.Заирова. — **Ҳар бир оиланинг яхши ҳаёт кечириши учун имкониятлар яратиш, одамларнинг конституциявий ҳақ-ҳуқуқлари ва фуқаролик эркинликларини таъминлашга кафолат бериш, уларнинг тинч-осойишталигини, ишончини ҳимоя қилишдан иборат. Айниқса, ўқитувчилар, шифокорлар, ҳамширалар, пенсионерлар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган оилалар, кам таъминланган оилалар манфаатини ҳимоя қилишга партия аъзолари билан ҳамкорликда иш олиб борамиз.**

— Ўзбекистон Республика Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига депутат бўлиб сайлансам, — дейди Раушан Заирова сўзида давом этиб, — Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайловолди платформасини амалга ошириш учун астойдил курашаман. Кўппартиявийлик тизими орқали мамлакатимизда демократия тамойиллари мустаҳкамланиб бориши тарафдориман. Бу борадаги мақсадга партияларнинг аъзолари сони билан эмас, балки сифати билан етишиш мумкин деб ҳисоблайман.

**Партиямиз аъзоларининг кўпчилиги қишлоқ хўжалиги, ўқув юртлари ва тиббиёт соҳасида ишлайди. Уларнинг ва сайловчиларнинг «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида» қонун ва бошқа турли қонунчилик ҳужжатларининг янги таҳрирларини тайёрлаш, қабул қилиш, малакали педагог ва тиббиёт ходимларининг иш ҳақларини меҳнатига яраша кўпайтириш масалалари диққат-эътиборимизда бўлади.**

## ҚАҲРАМОН ҚУРОНБОЕВ

### (103-Шовот сайлов округи)



**1970 йилда Хоразм вилояти Шовот туманида хизматчи оиласида туғилган. Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини тамомлаган. Ихтисослиги — математика ўқитувчиси, давлат ва жамият қурилиши магистри.**

Меҳнат фаолиятини 1986 йилда Шовот туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигида ишчиликдан бошлаган. 1987-1992 йилларда университетда таҳсил олиб, 1991-1994 йиллари Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи университет бошланғич ташкилоти раиси ўринбосари, 1994-1996 йилларда Ўзбекистон Ёшлар ташкилоти марказий қўмитаси бўлим мудири, 1996-1997 йилларда Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар жамғармаси қошидаги Ёшлар муаммолари институти ректори, 1997-2001 йилларда Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар жамғармаси бошқаруви раисининг ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатди. 2001 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

Қаҳрамон Қуронбоевнинг бутун онгли ҳаёти ёшлар ташкилоти билан боғлиқ. У кўп йиллик иш фаолияти давомида ёшлар олдида турган муҳим ва долзарб муаммоларни ўрганиш, уларни ҳал этиш юзасидан амалий ишлар қилишга лаёқатли раҳбар сифатида ўзини ёрқин намоён этолди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини ташкил этиш, унинг тизимларини шакллантириш ва фаолиятини йўлга қўйишда катта ҳисса қўшди. Бевосита раҳбарлиги ва ташкилотчилигида ёшларнинг турли муаммоларини ечиш, улар манфаатларини ҳимоя қилиш, қобилиятларини юзага чиқаришга қаратилган республика миқёсидаги ўнлаб кўрик-танловлар, конференциялар, семинарлар ва мусобақалар ташкил этилиб, муваффақият билан ўтказиб келинмоқда. Ана шу ҳаётий тажрибаларини илмий изланишлар билан бақамти олиб бориб, «Ёшларнинг маънавий-ижтимоий фаолликларини амалга оширишнинг педагогик асослари» мавзуида номзодлик иши ёқлади. Ҳозир «Ёшларнинг сиёсий ижтимоийлашув муаммолари» мавзуида докторлик ишини ниҳоясига етказмоқда.

Аслида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ташкилотчиларидан бири ҳам Қаҳрамон Қуронбоев эди. У ташаббус гуруҳи раҳбари ўринбосари сифатида асосий ташкилий ишларга бош-қош бўлди.

Қаҳрамон Қуронбоев қишлоқда ўсган, ёшлиги далада кечган йигит. Қишлоқ ёшларининг муаммолари унга яхши таниш:

— **«Қабул қилинаётган қонунлар сифатини ошириш керак,** — дейди номзод. — **Қонунлар давлат манфаати учунгина эмас, аввало фуқаро манфаати учун хизмат қиладиган бўлиши керак.**

**Бизда ҳали ёшларнинг сиёсий ижтимоийлашувини тўла кафолатлайдиган қонунлар йўқ. Бу бўшлиқни тўлдириш вақти аллақачон етган.**

**Ёшлар ўртасида ишсизлик муаммоси мавжуд. Тўғри, бизда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш борасида қонунлар қабул қилинган. Аммо, рости бу соҳа барча ёшлар қатламини қамрай олмайди. Гигант корхоналар барпо қилиш, азалдан мавжуд, аммо ишламаётган шундай улкан корхоналарга иккинчи умр бағишлаш керак...**

## ФАРҲОД НИЗОМОВ

### (120-Орол сайлов округи)



**1951 йилда Конимех туманида деҳқон оиласида туғилган. Ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетини тамомлаган. Ихтисослиги — ҳуқуқшунос. Оилали. Уч нафар фарзанди бор. Партиясиз.**

Меҳнат фаолиятини 1968 йилда Конимех тумани хўжаликларида полизчилик бўлими ҳисобчилигидан бошлаган. 1969-1970 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1973-1975 йилларда туман хўжаликлари қурилиш ташкилотларида қурувчи, бригадир бўлиб ишлади. 1975-1980 йилларда университетда таҳсил олиб, 1981 йилгача Бухоро консерва заводининг ҳуқуқий маслаҳатчиси бўлиб ишлади.

1981-1984 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг академик И.Мўминов номли Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг кичик илмий ходими, 1984-1985 йилларда Бухоро шаҳар Ф.Хўжаев туманида ҳуқуқий маслаҳатчи, 1985-1987 йилларда Навоий шаҳар ҳуқуқий маслаҳатхонаси адвокати лавозимларида фаолият кўрсатди.

1987-1988 йилларда Навоий шаҳар суди судьяси, 1988-1990 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири ўринбосари, 1990-1992 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг Фуқаролик ва авф этиш бўлими референти, бўлим мудири ўринбосари, 1992-1995 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонида мукофотлар, фуқаролик ва авф этиш масалалари бўйича етакчи консультант, 1995-2001 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири, 2001-2003 йилларда Бухоро вилоят ҳокимлиги Адлия бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаган. 2004 йил феврал ойидан буён Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш Департаментининг капитал қурилиш ва асосий фондлардан фойдаланиш бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

У иш фаолияти давомида ўзининг меҳнатсеварлиги, ижро ва меҳнат интизомига қатъий риоя этиши, ўзига юклатилган вазифаларга ўта масъулият билан ёндашиши ва ишларни адолат юзасидан ҳал этиши билан ҳамкасблар ўртасида катта обрў қозонган.

Сайловолди дастурида ҳуқуқий меъёрлар, адолат мезонлари асосий ўрин тутади.

— **Агар депутат деган шарафга эришсам,** — дейди Фарҳод Низомов, — **қатор қонунларнинг мукаммал, ҳаётдаги реал воқеликни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилишига ҳаракат қиламан. Олий Мажлиснинг бўлажак Қонунчилик палатасидаги ХДП фракцияси орқали давлат ҳокимияти қонунчилик вакиллик тармоғининг навбатдаги чақириғида бюджет ва молия сиёсатининг самарадорлигини ошириш ва ижтимоий йўналтирилганлигини кучайтиришга оид ҳужжатларни тайёрлашда фаол бўламан...**

**Жумладан, солиқларни пасайтириш, тадбиркорларга имтиёзли кредитлар бериш, божхона чегараларидан ўтишни енгиллаштириш ва бошқа тўсқинликларни ечишда изчил қонунлар ҳамда қонуности ҳужжатлари қабул қилиш тарафдори бўламан.**

**Шунингдек, давлат органларининг фаолиятига қаратилган айрим қонунларни ҳам қайта кўриб чиқиш керак.**

**Депутатларнинг халқ номидан ижро ҳокимияти органларини назорат қилиб бориши ҳуқуқлари ҳам таъминланиши даркор...**

Қўшсаҳифа материалларини «Ўзбекистон овози» мухбирлари Номоз САЪДУЛЛАЕВ, Алижон АБДУРАҲМОНОВ, Реимбой ЕШИМБЕТОВ ва Рўзимбой ҲАСАН тайёрладилар

Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллиги олдидан

# РОҚИМИЙНИНГ «ТАРИХИ ТОММ» АСАРИ

Ўтмиш маданий, адабий ҳаётимизда тарихнавислик ҳам ўзига хос ижодий анъана бўлган. Муайян шоир бирон-бир тарихий воқеа, бирон буюк шахснинг таваллуди ёки вафоти санасини икки мисра, икки-уч байтда тасвирлаб, рақамларни араб алифбосидаги ҳарфлар қобиғида берган. Шарофиддин Роқимий ана шундай шеърий шаклнинг моҳир устаси, адабиётшунос бўлган.

Ҳозиргача илм-фанда Роқимийнинг ҳаёти ва ижодий мероси ҳақида мукаммал маълумот мавжуд эмас. Унинг ҳаёт даври XVII асрнинг охири ва XVIII асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. Қўлёзма манбаларида Мулла Шарофиддин Аълам ибн Нуриддин Охунд ибн Мулла Фарҳод асли андижонлик бўлиб, болалик йилларида оиласи Самарқандга кўчиб келгани ёзиб қолдирилган. Ёш Шарофиддин мадрасада таҳсил кўриб, замонасининг барча билимларини эгаллайди, «Роқимий» тахаллуси билан шеърлар ҳам ёза бошлайди.

Шарофиддин Роқимийнинг бизгача ягона асари — «Тарихи томм» етиб келган. Рисолани таниқли шарқшунос Наимжон Норқулов форсийдан ўзбекчага таржима қилиб, 1998 йили чоп эттирган. «Тарихи томм»да Роқимий Ўрта Осиё, Хуросон, Эрон, Ҳиндистон минтақаларида яшаб ўтган 250 га яқин шоирлар, машойиху уламолар, амиру шоҳлар ҳақида батафсил маълумот беради: уларнинг вафоти, баъзи ўринларда таваллуд вақтларига ўша замон шоирлари томонидан ёзилган тарихларни келтиради, ўзи ҳам тарихлар битади. Бундан ташқари, рисолада айрим тарихий обидаларнинг қурилиши, баъзи шоҳларнинг юришларига доир тарихлар ҳам мавжуд.

Рисолада Хожа Аҳрор Валийнинг ҳаёти ва фаолияти тасвирига «Хожа Аҳрор, қуддуса сирраҳу вафоти тарихи» деган махсус фасл бағишланган. Дастлаб Роқимий Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор нақшбандия тариқатининг давомчиси, донишманди Мавлоно Яъқуб қўлида тарбия топганлигини уқтиради. Шундан сўнг шайхнинг обрў ва мартабасини, одамлар орасида жуда катта таъсир кучига эга эканлигини таъкидлаб, «Ул ҳазратнинг ҳарчанд мол-мулки кўп бўлса-да, муборак хотирлари зироат ишига таважжуҳ кўргузди. Унинг маҳсулини мискину фуқарога сарфлар эдилар. Зироатдан охират йўли озуқасини жамладилар», деб ҳазрат фаолиятига юксак баҳо беради. Айни пайтда рисолада замонанинг барча акобиру ашрофи, амиру умароси ҳазратнинг муборак нафаслари билан ҳисоблашишлари ҳам қайд қилинган.

Муҳими шундаки, Роқимий Ҳазрати Мавлоно Муҳаммад Қози, Мир Абдулаввал, Мавлоно Ҳусайн Фахриддин Али, Нуриддин Абдураҳмон Жомийларнинг Хожа Аҳрор Валийга бағишланган асарларига мухтасар шарҳлар битган. Роқимий шайхнинг узоқ умр кўриб, 1490 йили Камонгарон қишлоғида вафот этгани ва жасади Ҳазрати Кафшгар маҳалласига элтиб дафн қилинганини аниқ ёзиб қолдирган. Шундан сўнг, у ҳазрати эшон ёнларига ўнлаб машойихлар, жумладан, қариндошларидан Мавлоно Исматуллоҳ ибн Маҳмуд ибн Неъматуллоҳ, Мавлоно Маҳмуд ибн Мавлоно Абдулали Гелонийлар дафн этилганлигини фахр билан уқтирган. Демак, ушбу китоб ўша давр риёзатшунослари, Қуръонни тафсирловчилар, ҳадисшунослар ҳақида ҳам қимматли маълумот берар экан.

Шундан сўнг, Роқимий Хожа Аҳрор Валий қабри таърифини бериб, «Нурга тўлиқ бу мозордан шаҳаргача бўлган масофа бир милга яқиндир», дейди. Ўн саккиз байтда шайхнинг шон-шавкати, исломий билимларнинг беназир донишманди бўлганлигини завқ билан тасвирлайди.

**Кутб саййиди, муттақийлар санади,**
**Муддао асари, талаб Каъбасидир.**
**Аллоҳ замири сирларидан огоҳ,**
**Дин ҳодийси Хожа Убайдуллоҳдир.**

Рисолада ўша замон шоирлари Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий вафотига бағишланган еттита тарихни келтирар экан, Роқимий «Амири Кабир, соҳиби тадбир, Амир Алишер, ҳазрати эшон вафоти тарихига шундай деганлар», деб қуйидаги тўртликни келтиради:

**Хожаи хожагон Хожа Убайдуллоҳ,**
**Муршиди соликони роҳи яқин.**
**Шуд ба хулди барин, ки аз фавташ,**
**Соли тарихаш гашт «Хулди барин».**

Яъни, «Хожалар хожаси Убайдуллоҳ, авлиёлар йўли, соликларнинг муршиди, вафот этиши билан жаннатга тушди, шундан вафоти тарихи «Хулди барин» бўлди». *(«Хулди барин» хижрий 896, милодий 1490 бўлади.)*

Хулоса қилиб айтганда, Шарофиддин Роқимийнинг «Тарихи томм» асари буюк донишманд Хожа Аҳрор Валий ҳаёти, шахсияти, ўша давр ижтимоий ҳаётида тутган мавқеининг айрим жиҳатларини янада мукаммалроқ билиб олишда муҳим, камёб манба ҳисобланади.

**Ҳамиджон ҲОМИДИЙ**

Интер-спорт

## ЦЗЮ — ЭНГ ЯХШИ СПОРТЧИ

Биринчи ўрта ярим вазндаги профессионал боксчи, жаҳон чемпиони Константин Цзю Москвага ташриф буюрди. У эртага ўтказиладиган мамлакат спортчиларини шарафлашга бағишланган нуфузли тантанада иштирок этади.

Маълумки, Константин хорижда истиқомат қилаётганлардан бири бўлиб, Россиянинг энг яхши спортчиси номини олган. Боксчининг ўзи «Мен Австралияда истиқомат қилаётганим билан ҳамиша қалбим Россияда бўлган», деб эътироф этмоқда.

## БЕКХЭМНИНГ ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ



Англия футбол терма жамоасининг сардори Дэвид Бекхэм Янги йилни ўзгача қаршилашга ҳозирлик кўрмоқда. Шу мақсадда фақат совғаларни ўраш ва жойлаш учун алоҳида ходим ёллаган. Мадриднинг «Реал» клуби ярим ҳимоячиси бу ходимни машҳур мусиқачи Оззи Осборнадан олиб, унга кунига минг фунт стерлингдан хизмат ҳақи беришни ваъда қилмоқда. Эр-хотин Дэвид билан Виктория Янги йилни оилавий ва энг яқин кишилари даврасида ўзларига тегишли Хартфордшире қароргоҳида нишонлашмоқчи. Бу билан Бекхэм уларнинг оиласи ҳамон мустаҳкам эканлигини кўрсатмоқчи. Айни пайтда Бекхэм хотини учун 170 минг фунт стерлинг турадиган «Бентли» русумли автомобилни совға сифатида сотиб олган.

## ТАЙСОН ВИДЕОКЛИП ҚАҲРАМОНИ



Ўта оғир вазнли собиқ жаҳон чемпиони, афсонавий боксчи Майк Тайсон байрам арафасида қўшиқчи «Hupnotic Love» видеоклипида суратга тушди. Видеоклип яқин кунларда интернетга киритилади. Суратга олиш студияси соҳиби Генри Жонснинг таъкидлашича, Тайсон тасвирга тушириш пайтларида ўзини яхши ҳис қилган. Ҳатто, у ҳеч қандай машқларсиз суратга тушиш завқли бўларкан, деб ҳазиллашиб ҳам қўйган.





Ватан ҳимояси — олий шараф

# ОЙДИН ОРЗУЛАР ЙЎЛИДА

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти Ватан мудофаачилари сафига кўплаб малакали офицер кадрлар етказиб бераётган нуфузли даргоҳлардан. Бугунги кунда юрт осойишталигини таъминлашга ҳисса қўшаётганлар орасида ушбу билим юртини тамомлаган кўплаб офицерлар ва генераллар борлиги айниқса, қувонарли. Ушбу олий даргоҳда яқинда яна бир қувончли воқеа юз берди. Яъни, билим юртининг IV босқич курсанти Равшанбек Рузинов осойишталик йўлида кўрсатган фаол хизматлари учун Президентимиз Фармонига биноан «Жасорат» медали билан тақдирланди.

Мукофот тўғрисидаги хабар Равшанбекни, унинг ота-онасию, ёр-биродарларини, жанговар сафдош дўстлари ҳамда устозларини қанчалик қувонтирганини ўзингиз тасаввур қилаверинг. Ахир шундай нуфузли мукофотга сазовор бўлган довюрак юрт ўғлони билан фахрланмай бўладими!

Хуллас, Равшанбек Рузинов билан яқиндан танишиш мақсадида билим юртига йўл олдик. Қаҳрамонимиз ўта камтар, «гап билгунча иш бил» дейдиганлар хилидан бўлгани боис, у билан мулоқотимиз ғоят қисқа кечди.

— Мукофот муборак, Равшанбек. Ўзингиз ҳақингизда кенгроқ маълумот берсангиз.

— Раҳмат. Мукофотни ёлғиз ўзим эмас, балки бутун жамоамиз қўлга киритди, деб ўйлайман. Ўзим ҳақимда гапирадиган бўлсам, 1984 йил 19 январда Наманган вилоятининг Норин тумани Норинкапа қишлоғида туғилганман. Отам сув хўжалиги соҳасида ишлайди, онам уй бекаси. Икки опам ва бир синглим бор. Мактабни тамомлагач, ёшлигимдан қизиққаним учун ҳарбий соҳага йўл олдим. Яқинларим менинг бу истагимни қўллаб-қувватлашди. Мана, шу малакали устоз офицерлардан сабоқ олаяпман. Ватанимиз осойишталигини қўриқлаш, умримни бағишлашга қарор қилганман. Мен буни ўзим учун шараф деб биламан.

— Курсант Равшанбек Рузиновни ўқишга қабул қилинган пайтларидан буён яхши биламан, — дейди взвод командири, катта лейтенант Умид Ботиров. — У тиришқоқлиги, меҳнаткашлиги, фаол хизматлари билан сафдошларига ўрнак бўлиб келмоқда. Эсимда, илк бор машғулотга олиб чиққанимизда энг яхши натижага эришган эди. Шундан буён Равшанбек ўқув машғулотларида бошқаларга ўрнак бўлиб келмоқда. Айниқса, 100 метрга ва 3 километрга тезкор югуриш машқларида яхши натижаларга эришган. Бундан ташқари, у билим юрти миқёсида ўтказиладиган турли жанговар, спорт ва маънавий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этади. Равшанбек ушбу мукофотга билим юрти взводи курсантлари жанговар вазифа — террорчилар хуружини бартараф этишда кўрсатган жасорати учун муносиб кўрилди.

— Равшанбек Рузинов билан бирга ўқийман, — дейди унинг сафдош дўсти, курсант Музроб Аҳмедов. — Аввало шуни таъкидламоқчиманки, у ишончли, содиқ ва фидойи дўст. Бирор ёрдам сўрагудек бўлсак, ҳеч қачон йўқ, демайди. Бундай фазилатлари билан у билим юрти жамоасининг ҳурматига сазовор бўлган. Шундай дўстим борлигидан фахрланаман.

**Ёшин ҲАКИМОВ**

**Суратда:** курсант Равшанбек Рузинов.

**Александр МРУЧАК олган сурат**

# ШЕРЗОДНИНГ СОВҒАСИ

Қашқадарё вилоятида спортни ривожлантириш ва оммавийлигини янада ошириш борасида талайгина ибратли ишлар амалга ошириляпти. Унда барча соҳа ходимлари фаол иштирок этмоқда.

Вилоятда сўнгги икки йил мобайнида ўндан ортиқ янги болалар спорт мажмуи барпо этилди.

Ибратли жиҳати, Қашқадарёда теннис, шоҳмот турлари бўйича корхона ва идораларнинг хизматчи, раҳбар ходимлари ўртасида мусобақалар ўтказиш анъанага айланган. Теннис бўйича ўтказилган вилоят биринчилигида ҳам вилоят ва туман ҳокимликлари, прокуратура, молия, солиқ, банк тизими, саноат корхоналари хизматчи ва раҳбарлари фаол қатнашдилар. Қарши шаҳридаги «Насаф» теннис марказида уюштирилган мусобақада 50 нафар ҳаваскор теннисчи ғолиблик учун кортга чиқди. Меҳр ва мурувват йилига бағишлаб ўтказилган биринчилик якунида бош соврин — хорижда ишлаб чиқарилган рангли телевизор Қарши шаҳар солиқ инспекцияси ходими Шерзод Адиловга топширилди.

— Олти йилдан буён теннис ўйнайман, — дейди биринчилик ғолиби Шерзод Адилов. — Ишдан бўш вақтларимни кўпроқ теннис кортида ўтказишга ҳаракат қиламан. Бу эса менга ҳузур бағишлайди, чарчоқларим ёзилади. Ютуғимда теннис устаси, отам Шомил Адиловнинг ҳиссалари катта, албатта. Мусобақада қўлга киритган совриним — рангли телевизорни вилоятимиздаги «Меҳрибонлик уйи»га совға қиламан.



**Суратда:** биринчилик ғолиби Шерзод Адилов отаси Шомил ака билан.
**Мурод КОМИЛОВ олган сурат.**


Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ва «KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

2005 йил 20, 27 январь ва 3 февраль кунлари соат 11.00 да Республика Кўчмас мулк биржасининг биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги объектлар қўйилади:

1. Сурхондарё вилояти, Денов тумани, Хайробод қишлоғида жойлашган Олтинсой нефть базаси (савдога қайта қўйилмоқда)

**Бошланғич баҳоси — 619 358 АҚШ доллари.**

2. Тошкент вилояти, Охангарон шаҳрида жойлашган 66-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (66-АЁҚШ)

**Бошланғич баҳоси — 44 320 АҚШ доллари.**

3. Тошкент вилояти, Пскент туманида жойлашган 58-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (58-АЁҚШ)

**Бошланғич баҳоси — 23 100 АҚШ доллари.**

4. Тошкент вилояти, Ангрен шаҳрида жойлашган 69-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (69-АЁҚШ)

**Бошланғич баҳоси — 45 080 АҚШ доллари.**

5. Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманида жойлашган 64-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (64-АЁҚШ)

**Бошланғич баҳоси — 48 780 АҚШ доллари.**

6. Тошкент вилояти, Қибрай туманида жойлашган 8-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (8-АЁҚШ)

**Бошланғич баҳоси —118235,5 АҚШ доллари.**

7. Сурхондарё вилояти, Музрабод туманида жойлашган 5-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (5-АЁҚШ)

**Бошланғич баҳоси — 5 670 АҚШ доллари.**

8. Қашқадарё вилояти, Яккабоғ туманида жойлашган 7-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (7-АЁҚШ)

**Бошланғич баҳоси — 22 365 АҚШ доллари.**

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт.

Чет эл валютасида сотувга чиқарилган объеклар бўйича закалат пули «KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»нинг Ўзбекистон Республикаси «Ўзуйжойжамғармабанк» Бош амалиёт бошқармасидаги валюта ҳисоб рақамига: 20208840104265383004, КОД-00937, СТИР 204563716, SWIFT: UZHOUZ 22 ўтказилади.

***Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Имкониятингизни бой берманг!***

Қўшимча маълумотлар учун Республика Кўчмас мулк биржаси ва «Kimoshdi savdolari agentligi» га мурожаат қилишингиз мумкин.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қора-Қамиш 2/4 даҳаси, М.Ўрозбоев кўчаси, 1«А»-уй, Республика Кўчмас мулк биржаси биноси, 2-қават, 208-хона. Маълумот учун телефонлар: 133-29-83, 136-15-28, 136-26-26.**


Таэквондо (ITF)

# БУ МЕДАЛЛАР — ОРИЯТ МЕВАСИ

Таэквондо (ITF) мамлакатимизда тез ривожланаётган ва ёшлар ўртасида тобора оммавийлашиб бораётган спорт турларидан бири ҳисобланади. Ташкил этиладиган ҳар бир мусобақа муросасиз баҳслар ва катта байрам тусини олади. Куни кеча пойтахтимиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш марказида ниҳоясига етган Ўзбекистон чемпионати ҳам ана шу фикрни яна бир бор тасдиқлади.

Катталар ўртасида ўтказилган навбатдаги чемпионатда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 200 га яқин қора белбоғли таэквондочилар мамлакат чемпиони деган унвонга сазовор бўлиш учун татамига чиқдилар.

— Олдинги йили ишлаб чиқилган ўзига хос дастуримизга мувофиқ, ассоциация ҳар бир мусобақани «Ёшлар гиёҳвандлик ва террорчиликка қарши!» шиори остида уюштиришни белгилаб қўйган, — дейди Ўзбекистон Таэквондо миллий ассоциацияси президенти, республикада хизмат кўрсатган спорт устози Пўлат Усмонов. — Аммо бу шунчаки баландпарвоз гаплар эмас. Мусобақадан олдин шу мавзуда турли семинарлар ўтказамиз, бу бало-қазоларнинг оқибатлари ҳақида тушунтириш ишлари олиб борамиз, назарий суҳбатларнинг амалий аҳамиятини ошириш учун тажрибали спортчилар иштирокида кўргазмали чиқишлар уюштирамиз.

Чемпионатда Андижон, Бухоро, Жиззах, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва пойтахт вакиллари бошқаларга нисбатан кўпроқ совринли ўринларни банд этишди. Жумладан, андижонлик Ваҳобжон Усмонов ва Тошкент шаҳридан Фарруҳ Сармоновларни алоҳида тилга олиш мумкин.

Мазкур баҳсларда тилл бўйича олтин медалга сазовор бўлган Фарруҳ учун бу чемпионлик биринчиси эмас. Етти йилдан бери «Чилонзорчи» клуби таркибида машғулотларда иштирок этадиган Фарруҳ Сармонов халқаро беллашувларда ҳам ўзини кўрсатиб улгурди, мутахассисларнинг назарига тушди.

2002 йил Лондонда бўлиб ўтган Европа очиқ чемпионатида бронза медалини қўлга киритган бўлса, Қозоғистонда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида биринчи ўринни эгаллади. Жорий йилда эса Малайзияда уюштирилган навбатдаги беллашувда яна бир кумуш медал Фарруҳнинг кўксини безади.

Албатта, спортчини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш унинг шуҳрат шоҳсупаси сари қўйилган қадамларини янада дадиллаштиради, тезлаштиради. Фарруҳнинг чемпионлик бекатига етиб келишига ҳам ҳомий ташкилотлар, саховатпеша кишилар яқиндан ёрдам беришди. Хусусан, пойтахтимиздаги «Наврўз» савдо-ишлаб чиқариш мажмуаси бош директори Ўткир Даминов ёш чемпионимизни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб келаётган инсонлар сирасига киради.

— Фарруҳ эришаётган зафарлар, қўлга киритаётган медаллар унинг қалбида камол топаётган орият ва ғурур туйғусининг, юртга садоқат, ватанпарварлик ҳислатларининг мевасидир, — дейди Ўткир ака. — Бундай ёшларга кўмак бериш, Ўзбекистон байроғини баланд кўтаришига ёрдамлашиш ҳар биримизнинг бурчимиз деб ўйлайман.

**Озод ТЎРАБОЕВ**

Ҳикматли сўзлар маъноси

## ТИЛ БИЛАН ТИКАН ТОРТИБ БЎЛМАС

Баданга кирган тиканни тил билан тортиб олиб бўлмайди. Мазкур мақол билан мажозан: «Дўсту биродарингнинг бошига бирор кулфат, мусибат, машаққат тушгудек бўлса, уни тил учида, оғзаки юпатиб, далда берганингнинг ўзигина кифоя қилмайди, унга амалий ёрдам берганингдагина дардига малҳам бўлиб, мушкулини осон қила оласан», деган маънода насиҳат қиладилар.


Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 246-мактаб томонидан 2002 йил 16 июнда Новиков Дмитрий Владимирович номига берилган O'R-E № 0170987 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот ҳақидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**


Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма жамоалари аъзоси **Маъриф ЖАЛИЛ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.


**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
**Abdulla ORIPOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Ashur QODIROV**
**Bobir ALIMOV**
**Habib SA'DULLA**
**Norbobo SHAKAROV** (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
**Alimqul SULTONOV** (Bosh muharrir o`rinbosari)
**Andrey ORLOV** (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**To`lepbergen QAIPBERGENOV**
**Muslihiddin MUHIDDINOV**
**Olim MURODOV**
**Abdug'ani MAMASODIQOV** (Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
**Siyosat, partiya va xalqaro hayot** 133-44-55
**Ma`naviyat va ma`rifat** 133-69-45
**Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot** 133-20-36
**Parlament va huquq** 136-76-21
**Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik** 133-21-43
**Xatlar va ommaviy ishlar** 133-12-56 (Tel. Faks)
**Mas`ul kotib** 133-72-83
**Reklama va e`lonlar** 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: **Zayniddin MAMADALIYEV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: **Ikromjon ISMOILOV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** *Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

*Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.*
**Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.**
***Hajmi 2 bosma taboq.***



«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.



**Г — 257**
**11757 nusxada bosildi**
t — Тижорат материали
O`zA yakuni — 21.40.
Topshirish vaqti — 22.50
2 3 4 5 6
**Sotuvda erkin narxda**